

МУҒАЛЛИМ ҲАМ ҮЗЛИКСИЗ БИЛИМЛЕНДИРИЎ



Илимий-методикалық журнал

2025

1/2-сан

*Ўзбекистан Республикасы Министрлер Кабинети жанындагы
Жоғарғы Аттестация Комиссиясы Президиумының
25.10.2007 жыл (№138) қарары менен дизимге алынды*

*Қарақалпақстан Баспа сөз ғәм хабар агентлиги тәрәпинен
2007-жылы 14-февральдан дизимге алынды.
№01-044-санлы ғуўалық берилген.*

Нөкис

1/2-сан 2025

январь - февраль

*Қарақалпақстан Республикасы мектепке шекемги хәм мектеп билимлендириўи
министрлиги, Қары Ниязий атындағы Тәрбия педагогикасы миллий институты
Қарақалпақстан филиалы*

Редактор:

А. Тилегенов

Редколлегия ағзалары:

Мақсет АЙЫМБЕТОВ	Сабит НУРЖАНОВ
Нағмет АЙЫМБЕТОВ	Захия НАРИМБЕТОВА
Айтмурат АЛЬНИЯЗОВ	Хушбоқ НОРБЎТАЕВ
Сапардурды АБАЕВ	Ойниса МУСУРМОНОВА
Адхамжон АБДУРАШИТОВ	Уролбой МИРСАНОВ
Хайрулла АЛЯМИНОВ	Сафо МАТЧОН
Мавлюда АЧИЛОВА	Шукурилло МАРДОНОВ
Азизжан АБДАЗИМОВ	Абдулхамид МИРЗАЕВ
Шухрат АБДУЛЛАЕВ	АбдимураТЕСЕМУРАТОВ
Байрамбай ОТЕМУРАТОВ	Даулетназар СЕЙИТКАСЫМОВ
Злийха ОРАЗЫМБЕТОВА	Қалыбай ПРИМБЕТОВ
Мансурбек ОНГАРОВ	Раъно ОРИПОВА
Алишер АЛЛАМУРАТОВ	Бахтиёр РАХИМОВ
Дилшодхўжа АЙТБАЕВ	Норим РАХМАНОВ
Тўлқин АЛЛАЁРОВ	Муқаддас РАХМАНОВА
Марифжон АХМЕДОВ	Светлана СМЕРНОВА (Москва, Россия)
Гулзабира БАБАШЕВА	Тажибай САПАРБАЕВ
Умида БАҲАДИРОВА	Мухаббат САЛАЕВА
Фархад БАБАШЕВ	Гўзал СОДИҚОВА
Гулзода БОЙМУРОДОВА	Улбосын СЕЙТЖАНОВА
Гулбахар БЕШИМБЕТОВА	Амина ТЕМИРБЕКОВА
Комил ГУЛЯМОВ	Нурзода ТОШЕВА
Маманазар ДЖУМАЕВ	Қуанишбек ТҮРЕКЕЕВ
Асқар ДЖУМАШЕВ	Тажибай УТЕБАЕВ
Дилдора ДАВРОНОВА	Амангелди УТЕПБЕРГЕНОВ
Мухтар ЕРМЕКБАЕВ (Шимкент, Қазақстан)	Мамбеткерим ҚУДАЙБЕРГЕНОВ
Алишер ЖУМАНОВ	Амангелди ҚАМАЛОВ
Гүлнара ЖУМАШЕВА	Тажикал ҚУДАЙБЕРГЕНОВА
Холбой ИБРАГИМОВ	Ойбахор ШАМИЕВА
Шохида ИСТАМОВА	Ризамат ШОДИЕВ
ВОХИД КАРАЕВ	Зафар ЧОРШАНБИЕВ
Алима КЕНЖЕБАЕВА (Тараз,Қазақстан)	Рустам ФАЙЗУЛЛАЕВ
Сарсенбай КАЗАХБАЕВ	Дўстназар ХИММАТАЛИЕВ
Мохира КУВВАТОВА	Тармиза ХУРВАЛИЕВА
Джавдод ПЎЛАТОВ	Умид ХОДЖАМҚУЛОВ
Ярмухаммат МАДАЛИЕВ (Шимкент, Қазақстан)	Жавлонбек ХУДОЙБЕРГЕНОВ
Меруерт ПАЗЫЛОВА	Гулрухсор ЭРҒАШЕВА
Пердебай НАЖИМОВ	Гавхар ЭШЧАНОВА
Асқарбай НИЯЗОВ	Қонысбай ЮСУПОВ
	Гулара ЮСУПОВА



Ҳакимова И.Х. Умумтаълим мактабларида раҳбарларининг инновацион бошқарув фаолиятининг зарурияти	171
Rasulov A.N. Oliy ta'lim tizimini modernizatsiyalash jarayonida talabalarning boshqaruv kompetensiyalarini rivojlantirishning o'ziga xos xususiyatlari	176
Umirova D.A. Tarbiya darslarini tashkil etishdagi zamonaviy yondashuvlar	182
Юлдашева Н.Н. Тарихий ўлкашунослик дарсларида инновацион электрон ахборот-таълим ресурсларидан фойдаланиш методикаси	185
Boymurodova G.T. Integratsiyalashgan ta'lim - ta'lim samaradorligi omilidir	190
Shamuratov A.A. Barkamol shaxsni voyaga yetkazishda oilaviy muhitning o'rni	194
Tursunboyeva X.S. Bo'lajak o'qituvchilarga jadid ma'rifatparvarlarining ta'limiy g'oyalari o'qitish metodikasini takomillashtirishning pedagogik - psixologik xususiyatlari	201
Sadikova Ch.B. Ta'limda texnologiyaning roli va autentik materiallarga kirish imkoniyatlari	206
To'xtasinova N.I. Bo'lajak o'qituvchilarning individual ijodiy qobiliyatlarini rivojlantirishda raqamli ta'lim muhitining asosiy tamoyillari, texnologiya va vositalarni tahlil qilish	212
Mirzakarimova N.M. Talabalarning mustaqil ta'limini tashkil etishda dasturiy ta'minotlarning ahamiyati	218
Yusupova G.A., Sapayeva Z.J. Ta'limda raqamli kompetentlik: o'qituvchining roli va digcompedu modelining ahamiyati	224
Raxmanova M. Bo'lajak biologiya fani o'qituvchilarining ekologik kompetentligini innovatsion yondashuvlar asosida rivojlantirish mazmuni	230
Azizova S.F. Ta'lim jarayonida yuzaga keladigan konfliktologik vaziyatlarda pedagogik munosabat	237
Матназарова М.Б. Практическая реализация модели менеджмента развития интеллектуальной мобильности студенческой молодежи в условиях интернационализации высшего образования	242

МИЛЛИЙ ИДЕЯ ҲАМ РУЎХИЙЛИК ТИЙКАРЛАРИ, ТАРИЙХ, ФИЛОСОФИЯ

Allambergenov A.J. Massaliq mádeniyat qubílsınıń jaslar sanasına tásiiri	248
Sodiqova O. 1925-1930-yillarda sssrda o'rta maxsus ta'lim tizimini o'rnatish davrida pedagoglarga nibatan olib borilgan siyosat	254
Saxobidinova M. Turkistonda ta'lim ruslashtirishning asosiy vositasi sifatida	262

ФИЗИКА, МАТЕМАТИКА, ИНФОРМАТИКА

Paluanova A.D. Fizikadan klastan tis jumislardi shólkemlestiriw hám olardıń áhmieti	273
Gadaymuratov Sh.M., Xuramamova K.T. Texnologik ta'lim o'qituvchilarining amaliy kompetensiyalarini rivojlantirish	277
Зарымбетова Б.Е. Использование игровых технологии при преподавании информатики	285

БАСЛАҒЫШ КЛАСС, МЕКТЕПКЕ ШЕКЕМГИ ТӘРБИЯ

Abdalieva P. Baslawish klasslarda ana tili hám oqıw sawatxanlıgın oqıtıwdıń bazıbir máseleleri	290
Baltabaeva B. Oqıw tapsırmaları arqalı baslawish klass oqıwshılarınıń awızeki sóylew kónlikpelerin qalıplestiriw metodikasi (tálim qaraqalpaq tilinde alıp barılatuğın mektepler misalında)	295
Отениязова П.Е. Қарақалпақ халық дәретпелери тийкарында балалардың сөйлеу тилин раўажландырыў (балалар қосықлары мысалында)	299
Berdiyeva N.B. Maktabgacha ta'lim tashkilotlarida axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini joriy etishning samaradorligi	303
Бабашева Г.Б. Ўқувчиларни савол-топшириқлар тузишга ўргатиш	306



УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА РАҲБАРЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН БОШҚАРУВ ФАОЛИЯТИНИНГ ЗАРУРИЯТИ

Ҳакимова И.Х.

*Чирчиқ давлат педагогика университети “Менежмент кафедраси”
ўқитувчиси*

Таянч сўзлар: инновация, рақобатбардош, модернизация, жаҳон иқтисодиёти, демократлаштириш, ижтимоий-иқтисодий жараёнлар, методология, инновацион ўқув муассасаси, ижтимоий ресурслардан, инновацион жараёнлар, инновацион мактаб, интеллект, мотивация, тадбиркорлик, саноат.

Ключевые слова: инновации, конкуренция, модернизация, международная экономика, демократия, социально – экономические процессы, инновационное учебное заведение, социальные ресурсы, инновационные ресурсы, инновационные процессы, инновационные школы, интеллект, мотивация, предпринимательство, промышленность.

Key words: innovation, competitiveness, modernizations, world economy, democratization, socioeconomic processes, methodology, innovative educational institution, social resources, innovative processes, innovative school, intellect, motivation, entrepreneurship, industry.

РЕЗЮМЕ:

Мақолада умумтаълим мактабларида раҳбарларининг инновацион бошқарув фаолиятининг зарурияти тўғрисида фикр юритилиб, тавсиялар берилган.

РЕЗЮМЕ:

В статье раскрывается инновационная работа руководителей общеобразовательных учреждений и выражается их мнения и рекомендации.

SUMMARY:

The article discusses the necessity of the innovative management activities of leaders in general education schools and provides recommendations.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришлар, иқтисодиётнинг инновацион йўналишда шакллантирилиши, жаҳон иқтисодиётига интеграллашуви таълим тизими олдида долзарб масалаларидан бири бўлган сифатли таълимни амалга оширишни ва сифатли мутахассисларни тайёрлаш вазифасини кўяди. Инновацион педагогик жараёнлар таълим хизматлари бозорида нафақат у ёки бу таълим муассасасининг рақобатбардош бўлишига асос яратади, балки ўқитувчи ва ўқувчи шахси-



ни интенсив ривожлантириш, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг биргаликдаги фаолияти ва мулоқотини демократлаштириш, таълим-тарбия жараёнини инсонпарварлаштириш, ўқувчини фаол таълим олиш ҳамда ўзини шакллантиришга йўналтириш, таълим технологиялари, метод ва воситалари ҳамда таълимнинг моддий-техника базасини модернизациялаш каби вазифаларни бажаради, педагогларнинг касбий маҳорати, уларнинг ижодкорлиги, изланувчанлигининг ривожланиш йўналишларини аниқлайди,

Сўнгги ўн йилликларда рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий жараёнлар таълимда янгича ёндашувларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш йўли билан умумтаълим мактабларини модернизациялашнинг йўллари излаб топилишини рағбатлантирди. Бунга эришиш бошқарув сифатини ошириш орқали мумкин бўлиб, унинг кўрсаткичи сифатида таълим фаолиятининг инновационлиги саналади.

Бугунги ижтимоий ва иқтисодий шароитларда инновационлик асосан таълим фаолиятининг аниқ ва уйғун ҳолда ташкил этилишига боғлиқ бўлади. Мана шунга боғлиқ ҳолда бош роль энг аввало, ташкилот раҳбарига ажратилади, чунки, айнан унинг касбий ва шахсий сифати бутун таълим жараёни қанчалик самарали ташкил этилганлиги боғлиқ бўлади. Фақат таълим муассасаси раҳбари раҳбарликнинг тўғри фаолиятини танлаш орқали таълим муассасасидаги инновацион жараёнларга самарали таъсир кўрсатиши мумкиндир. Бу борада мос ҳолдаги бошқарув фаолиятининг шакллантирилиши ҳисобига умумтаълим мактабининг барқарор инновацион ривожланишини таъминловчи бошқарув киши, жамият ва давлатнинг манфаатлари йўлида замонавий таълимни ривожлантиришнинг объектив эҳтиёжи бўлиб ҳисобланади.

Бунга таълим муассасасини ривожлантиришнинг стратегик мақсади сифатида унинг инновацион типдаги муассасага айлантирилишини, тактик мақсад сифатида эса шунга мос ҳолдаги бошқарув фаолиятини танлаб олиш йўли билан эришиш мумкин. инновацион жараёнлар устидан самарали бошқарув энг аввало, муаммолари ҳал қилиш методологиясининг асосланганлиги, методологик ёндашувнинг мослиги, яъни, бошқарув фаолияти тадқиқотнинг таянч тушунчалари, тамойиллари ва методлари жамланмаси сифатида мос ҳолдаги назарий-методологик асосда қурилиши билан белгиланади. Даставвал, муаммо майдонини, айнан олганда эса – инновацион таълим муассасаси, инновацион жараён, фаолият, салоҳият, бошқарув фаолияти кабиларни баён қилувчи таянч тушунчаларни тавсифлаб ўтамыз.



Инновацион таълим муассасасининг моҳияти унинг мақсад-вазифаларининг ўзига хослиги билан белгиланиб, бу ерда таълим жараёни иқтидорлиларни “етиштириш”га, иқтидорли болаларнинг интеллектини, шахсий имкониятларини ривожлантиришга қаратилади. М.М.Поташникнинг фикрига кўра, тизимли янгиликлар асосида яратилган таълим муассасаларини биз инновацион мактаблар деб юритамиз. Булар янгича тип (кўриниш)даги таълим муассасалари бўлиб, уларнинг ўзига хос мақсад-вазифалари, ўз миссияси, ижтимоий буюртмачиларнинг ўз доираси, ўзига хос функциялари мавжуддир.

Таълим муассасаларини ривожлантиришнинг амалдаги (пассив-мослашувчан) ва инновацион (ривожланувчи) типлари фарқланади. Бунда бошқарув қарорлари эҳтимолий ва уларга нисбатан илгариланма ҳолда юзага келадиган реакцияни амалга оширувчи ижтимоий-педагогик ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда қабул қилинади. Мана шундан келиб чиқиб, баъзи таълим муассасалари кундалик мавжуд бўлиш тартибида (амалдаги), бошқалари эса ривожланиш тартибида фаолият олиб борадилар. Айнан ривожланиш тартибидаги муассасалар инновацион муассасаларга мансубдир, чунки, уларнинг педагогик тизимлари шахс ва жамиятнинг доимий ўсиб боровчи эҳтиёжларини қондиришга доимий яқинлашиш режимида бўладилар.

Инновацион ўқув муассасаси – бу ташкилий тузилма (институт) сифатида мактабнинг асосларини моҳиятан таъсир кўрсатувчи, ўқитувчи ва ўқувчи меҳнатининг мазмуни ҳамда хусусиятларини, таълим субъектлари орасидаги ўзаро муносабатларнинг хусусиятларини принципиал жиҳатидан ўзгартирувчи таълим муассасасининг ривожланиш дастурларини амалга оширувчи ўқув муассасасидир. Инновацион ташкилот бўлиб барча ходимлари муаммоларни аниқлаш ва ҳал қилишда иштирок этадиган, ўсишга, ўқиб-ўрганишга ва ўз мақсадларига эришишга қобилиятни ҳосил қиладиган ходимларга эга ташкилот саналади.

Инновацион мактаб – бу шундай таълим муассасасики, унинг моҳияти бўлиб инновацион ривожланишни доимий юзага келтириб бориш ҳосил қилиб, бу бир томондан, инновацион салоҳиятнинг ўсишига, иккинчи томондан эса педагогларнинг инновацион фаолияти орқали мактабнинг ўзини ривожланишига ёрдам беради.

Мактабнинг инновацион ривожланишини бошқаришни такомиллаштириш учун энг аввало, “инновация”, “инновацион жараён”, “инновацион фаолият”, “инновацион салоҳият”, “инновацион ресурс” каби тушунчаларнинг моҳиятини англаб олиш лозим бўлади.



“Инновация” тушунчаси биринчи бор XIX асрда маданий антропология тадқиқотларида пайдо бўлди ва бунда у бир маданиятнинг иккинчи маданиятга айрим элементларнинг киритилишини англатар эди. Бундай ёндашув маданиятдаги ўзгаришларни вақт ва маконда турли хил тезликда борадиган диффузия жараёни сифатида олиб қаралар эди. Инновация одатда “нуқсон”, берилган этнос учун “универсал” бўлган нарсаларнинг бузилиши деб қабул қилинар эди. Аъналардан ташқарига чиқувчи нарса инновация бўлиб саналади ва бундай позиция бугунги кунларда ҳам ҳалигача кенг тарқалгандир.

Инновациялар муаммосини ишлаб чиқиш борасида ижтимоий-иқтисодий тадқиқотлар соҳасида катта тажриба тўплангандир. Турли хил олимлар бу тушунчани ўз тадқиқотларининг объекти ва предметидан келиб чиқиб талқин қиладилар. Инновацияларни тадбиркорлик руҳи билан мотивацияланган ишлаб чиқариш омилларининг илмий-ташкилий комбинацияси сифатида талқин қилиш мумкин. Инновацияларнинг ички мантиғида иқтисодий ривожланишни динамиклаштиришнинг янги ҳолати деб қараш мумкин. Б.Твисс инновацияларни ихтиро ёки ғоя иқтисодий мазмунга эга бўладиган жараён сифатида таърифлайди. Ф.Никсон инновациялар – бу бозорда янги ва яхшиланган саноат жараёнлари ҳамда қурилмаларининг пайдо бўлишига олиб келадиган техник, ишлаб чиқариш ва тижорат чора-тадбирлари жамланмаси деб ҳисоблайди.

Б.Сантонинг фикрга кўра, инновация – бу шундай ижтимоий (техник-иқтисодий) жараёнки, у орқали ғоялар ва ихтиролардан амалий фойдаланиш ўз хоссалари бўйича энг яхши буюмлар, технологияларнинг яратилишига олиб келади.

Умумтаълим муассасасидаги инновацион фаолият ҳам янги методлар, методикалар, воситалар, технологиялар, ўқув дастурлари ва шу кабиларнинг яратилишига, ҳам уларни ўзлаштириш, улардан фойдаланиш ва уларни тарқатишга йўналтирилади. Шунинг учун шартли равишда инновацион фаолиятнинг қуйидаги турларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- 1) таълим янгиликларини яратиш, ишлаб чиқиш ўйича фаолият (яратувчанлик ёки назарий);
- 2) таълим янгиликларини ўзлаштириш бўйича фаолият (прагматик);
- 3) таълим янгиликларидан фойдаланиш бўйича фаолият (амалий);
- 4) таълим янгиликларини тарқатиш бўйича фаолият (тарғиботчилик).

Инновацион фаолиятнинг ҳар бир тури инновацион жараённинг маълум бир босқичи билан боғланган. Инновацион фаолиятни агар янги воситанинг ўзлаштирилиши умумтаълим муассасасини ривожлантириш



вазифаларини ҳал қилишга имкон берадиган бўлса, муваффақиятли деб ҳисобланиши лозим.

Инновацион салоҳиятга кўра янгиликлар; модернизация, фаолиятни такомиллаштириш, шаклан ўзгартириш, ривожлантириш билан боғлиқ бўлган инновациялар ислохотларнинг асоси сифатида белгиланади

Бу вазиятда биз уларни ўқув муассасаси олдида турган бошқа мақсадлар учун фойдаланиладиган ташкилотнинг бошқа ижтимоий ресурсларидан ажратади ва инновацион фаолият ривожланади.

Тажрибалар шуни кўрсатадики, юқоридаги тавсияларга амал қилиш орқали умумтаълим мактабларида раҳбарларининг инновацион бошқарув фаолиятининг фаоллашишига эришиш мумкин бўлади.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020 yil 6 noyabrda "O'zbekistonning Yangi taraqqiyot davrida ta'lim - tarbiya va ilm - fan sohalarini rivojlantirish chora - tadbirlari tug'risida"gi PF-6108 - sonli Farmoni.

2. Хамдамова Г.А. ва бошқалар. Инновацион менежмент. Ўқув қўлланма. "Иқтисод-молия", 2018 йил, -262 б

3. Po'latov Sh.P. Ta'lim menejmenti yoxud ta'lim muassasasini ilmiy-metodik boshqarishga innovatsion yondashuv./ T.: "Yosh kuch".2022 y

4. Musurmonov R. Maktab va ota-onalar hamkorligi dars intizomiga nisbatan o'quvchilarning ijobiy munosabatlari garovidir. "Mug'allim hem uzluksiz bilimlendirio" j. Nukus, №2/1, 2021. B. 38-41

5. Rasulov A.N. Umumiy o'rta ta'lim maktablarida zamonaviy ta'lim klassteri sharoitida iqtisodiyot bilim asoslari fani o'qitishning zarurligi. // "Xalq ta'limi" 2022 - №2. -Б. 10-12.